



**ЎЗКИМЁСАНОАТ**  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2025 йил 17-июл

## **Ички савдони мувофиқлаштириш бўлими**



**Абдуллаев Ғайрат Носир ўғли**

**"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ички савдони мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи**

**Телефон рақами: [+998781407430](tel:+998781407430)**

**Электрон почта манзили: [g.abdullayev@uks.uz](mailto:g.abdullayev@uks.uz)**

### **Меҳнат фаолияти**

2020-у. - н.в. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ички савдони мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

2019-2020	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти маркетинг, бозорга сотишни мувофиқлаштириш ва харидлари бошқармасининг бошлиғи ўринбосари - Ички бозорга сотишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
2019-2019	Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти маркетинг, бозорга сотишни мувофиқлаштириш ва давлат харидлари бошқармасининг бошлиғи ўринбосари - Ички бозорга сотишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
2018-2019	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти маркетинг, ташқи иқтисодий муносабатлар ва бозорга сотишни мувофиқлаштириш бошқармасининг Ички бозорга сотишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
2017-2018	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти Ички бозорга сотишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
2015-2017	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти ички бозорга сотиш ва агрокимё хизмат кўрсатиш бошқармаси Ички бозорга сотиш бўлими бошлиғи
2011-2015	“Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларига кимёвий маҳсулотларни сотиш маркетинги ва ярмарка савдоларини ташкил этиш бўлими бошлиғи
2006-2011	Сурхондарё вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти таъминот бўлими бошлиғи, бошқаруви раисининг ўринбосари
2001-2006	Сурхондарё вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик бирлашмаси Жарқўрғон туман филиали база ҳисобчиси, бош иқтисодчи, таъминот бўлими бошлиғи
1999-2001	Сурхондарё вилоят, Жарқўрғон тумани Камолот ёшлар жамғараси раисининг ўринбосари
1996-1999	Сурхондарё вилоят, Жарқўрғон тумани Камолот ёшлар жамғармаси етакчи мутахассиси

## Вазифалари

- Жамият таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларга минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни ички бозорда жўнатиш, сотиш масалалари бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички бозорда сотиш бўйича корхоналар бўлимлари, хизматлари ва бўлинмалари фаолиятини умумий мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
- жамият корхоналари томонидан минерал ўғитлар, дефолиантлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ва бошқа кимёвий маҳсулотлар етказиб бериш бўйича статистик маълумотларни тўплаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- жамият корхоналари ва ташкилотлари томонидан минерал ўғитлар ишлаб чиқариш баланси ва тақсимланишининг прогноз параметрларига мувофиқ маҳсулотларни сотиш бўйича тасдиқланган графиклар бажарилишини мониторинг қилиш;
- республика ичидаги истеъмолчиларга сотиш учун биржа савдоларига минерал ўғитларни жойлаштириш жадвалларини ишлаб чиқиш;
- биржа савдоларида амалга оширилган битимларга мувофиқ биржа савдоларига минерал ўғитларни жойлаштириш жадвалларини бажариш ва уларни истеъмолчиларга ўз вақтида жўнатиш ишларини мувофиқлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг қонун ва норматив ҳужжатларидан, "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқарув органлари қарорларидан, маҳаллий ва

норматив ҳужжатлардан, жамиятнинг буйруқлари, фармойишлари ва протокол қарорларидан келиб чиқадиган функционал вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш.

**source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/company/department/ichki-savdoni-muvofiqsh-tirish-bolimi>